

## **Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди**

**“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзуида Давлат грантлари ажратиш учун 4-танловни**

### **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиқ беришга, қонун нормалари ҳақида билимлар тарғиботига қаратилган махсус нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш;

**2.** Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ННТ фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

**3.** Аёллар, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлашда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

**4.** Аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида, маҳаллалар ва таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципи ва нормалари мазмун, моҳиятини етказишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

**5.** Қурилиш ва ободончиликка оид қарорларни маҳаллий даражада муҳокама қилишни ҳамда жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни йўлга қўйишга кўмаклашиш;

**6.** Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтириш;

**7.** Аҳоли учун бепул кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини ва инновацион усулларини жорий этиш;

**8.** Хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

**9.** Одам савдоси, ноқонуний меҳнат миграциясидан жабр кўрган аҳолига тизимли профилактик тарғибот, ташвиқот ва реабилитация чора тадбирларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини кучайтириш;

**10.** Ноқонуний меҳнат миграциясидан, мажбурий меҳнат ва камситишлардан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

**11.** Низоли вазиятлар, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолатларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни эрта бартараф этишда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни шакллантириш;

**12.** Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш орқали қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини юксалтиришга кўмаклашиш;

**13.** Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни ўрганиш, коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ фаолияти эркинлигини таъминлаш;

**14.** Коррупцияга қарши курашиш ва жамоатчилик назорати соҳасида умумэътироф этилган халқаро стандартлар, чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш;

**15.** “Ўзбекистон-2030” стратегияси мазмун моҳиятини замонавий технологиялар орқали тарғибот қилиш ва аҳолига етказиш.

**Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;

2. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fondngo.uz](http://www.fondngo.uz) расмий веб сайти ва [https://t.me/GROUP\\_JAMOAT\\_FONDI](https://t.me/GROUP_JAMOAT_FONDI) телеграм каналида жойлаштирилган ва янги юкланган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;

3. Охирги ўзгартириш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;

6. Ташкилотнинг солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 200 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар **2024 йил 4 июлдан 5 августгача** қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини**

**қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fondngo.uz](http://www.fondngo.uz) расмий веб сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (78) 238-23-76, (78) 238-23-77.